

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖЖАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ПАХТАМИЗ—БАХТИМИЗ

Жонажон партиянинг тарихий XXV съезди республикамиз пахтакорлари олдида ўн икки беш йилликда пахта етиштиришни олти миллион тоннага етказиш вазифасини қўйди. Бу улғур ва масъулиятли вазифани бажариш учун олиб бориладиган курашга ҳар бир колхоз ва совхоз, ҳар бир пахтакор ва механизатор муносиб ҳисса қўйиши керак.

Бригаданида пахта етиштириш йил сайин кўпаймоқда. Масалан, тўққизинчи беш йилликда давлатга пландаги 1289 тонна ўрнига 2135 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Ўн икки беш йилликда бригаданиз план бўйича 1518 тонна пахта етиштириш керак. Лекин биз бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажариш, яъни 3036 тонна пахта етиштириш мажбуриятини олганмиз. Мен мамлакатимизда коммуналларнинг улғур анжуманида делегат бўлиб иштирок этдим. Съезднинг қарорини амалга ошириш, республикамизда пахта етиштиришни кўпайтириш учун олиб бориладиган курашга фаол қатнашишни ўзимнинг биринчи даражали вазирам деб биламан.

Съездлар йили ўн икки беш йиллик планни муваффақиятли адо этиш учун курашда муҳим босқич ҳисобланади. Шу тўғрисида бригаданиз коллективни бу йил 95 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 36,7 центнер ўрнига 69 центнердан ҳосил олиш, давлатга 348 тонна ўрнига 655 тонна «оқ олтин» сотиш ҳақида сўз берди. Бироқ, ҳовла деган билан оғиз чуқмайди, бунчалик ҳосилни оsonлик билан етиштириб бўлмайди. Қўзланган мақсадга эришиш, белгиланган юксак маррани муваффақиятли ағалаш учун агротехника тадбирлари комплексини

белгиланган муддатларда амалга ошириш талаб қилинарди. Бригаданиз аъзолари шундай қилишди. Чигитин қисқа муддатда экиб ва текис ҳамда соғлом ундириб олди. Тўла гектарлар ҳосил қилиди. Ҳар гектар ерда 150 минг тўп кўчат бўлишни таъминлади. Барча майдондаги гўза етти марта сифатли култивация қилинди. Минерал ва маҳаллий ўғитлар билан уч марта озиқлантирилди, тўрт марта қондириб сугорилди. Натияжада гўза нормал ривожланиб, серҳосил бўлиб ўсди. Ҳар тўп гўзадан олинган юксак мажбуриятни тўла бажариш имконини берадиган даражада ҳосил тўпланди ва у эрта етилди. Бунда гўзани парвариш қилишда мен билан ёнма-ён туриб ишлаган бригаданиз механизатори Сервер Бекринов ва гўзани сугориш каби мураккаб ишни сийдирилган бажарган Байди Алиқуллов, Исоқжон Сайдалов, Райиқул Маматов, Турсунбой Муллажонов, Ҳошим Қосимовларнинг хизмати катта бўлди.

Маълумки, мамлакатимиздаги бир гуруҳи машҳур механизаторлар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневга ёган хатта мен ҳам имзо чеккан эдим. Мен бригаданиз аъзолари номидан ўртоқ Брежневга бу йил пахтадан ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштириш ва уни тез ҳамда нобуд қилмай йилги-териб олиш, план ва мажбуриятни қисқа муддатда бажариш ҳақида вазда берган эдим. Ўртоқ Л. И. Брежнев бизга ёган жавоб мактубида ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигининг техника билан қуролланиш даражаси бейёне ўсганлиги, механизаторлар ўзларига ишониб топириб қўйилган серурум машина ва ме-

ханизмлари самарали ишлатишлари, унинг кундан-кунга фойдаланиб, етиштирилган ҳосилни қисқа муддатда йиғиштириб олишга эришишлари зарурлигини алоҳида уқтирди.

Биз ўртоқ Брежневнинг ана шу кўрсатмасига, Қозонистон партия-хўжалик активни кенгашида сўзлаган нутқида берган йўл-йўриқлари ва маслаҳатларига амал қилиб, ҳосил йиғим-теримига пухта тайёргарлик кўрдик. Бригаданиз биринчи қўйилган терим агрегати, транспорт трактори ва телекларнинг вақтида ремонт қилиди. Йўл ва кўприклар, хирмон жойини тахт қилиб қўйди. Ҳар тўп гўзадан икки-учтадан кўсак очилгач, дефляцияни бошладик ва тўрт кунда сифатли қилиб тугалладик. Гўзанинг барги бир текис тўқилди. Қўсакларнинг очилиши тезлашди. Машина теримини муваффақиятли ўтказиш, терим агрегати унумли ишлатиш ва бинобарин планни қисқа муддатда бажариш учун кўлай шароит вужудга келди.

Биз 18 сентябрь кунини теримини бошладик. Охдатидек бу йил ҳам терим даражада бригаданиз дала шийони-га қўйиб чиққанмиз. «Ўзбекистон» маркази агрегатини дастлабки кундан оқ тўла қувват билан унумли ишлатмоқдамиз. Ўтган йили шу машина бунердан 410 тонна пахта тўққан эдим. Бу йилги мажбуриятим 450 тонна. Сўзининг устидан чик қиш мақсадида машина бунердан кун сайин кўпроқ пахта тўқинишга интилоқдамиз. Ҳозиргача терган пахтадан 400 тоннадан ошди.

Техниканинг кундан-кунга самарали фойдаланиш, кудратли терим агрегати тўхтовсиз унумли ишлатиш ҳосил йиғим-терим суръатини янгилик қилимаган даражада тезлаштириш ва халқ хўжа-

лик планини жуда қисқа муддатда — 10 иш кунда бажариш имконини берди. 28 сентябрь кунини галаба рапортига имзо чекдик. Ҳозиргача эса гектардан 58 центнердан ҳосил олдик. Тайёрланган пахтанинг 90 проценти машина билан терилди. Давлатга топширилган пахтанинг ҳаммасини бригаданиз механизатори Сервер Бекриновнинг бир ўзи тайёрлов пунктига ташиб берди.

Машиналар фақат бизнинг бригаданизгагина эмас, балки умуман колхозда терим суръатини тезлаштиришда ҳам қилувчи роль ўйнамоқда. Мажбур 16 та терим агрегати икки сменада юқори унум билан ишлатилмоқда. Айни терим қизгин давларда ҳар кунини планнинг 6—7 проценти миқдорда пахта терилди. Давлатга кунини 180 тоннага етказиб пахта топширилди. Ҳар бир агрегатнинг кунини иш унуми 9—10 тоннага ўттиришди. М. Қодиров, М. Қосимов, Н. Раҳимов, В. Маматов сингари илғор механик-ҳайдовчилар кунини бунердан 13—15 тонна ва ундан ошириб пахта тўқдилар. Мавсумда 200—250 тоннадан пахта териб мажбуриятини олиб ишлатган бу азаматларнинг ҳар бири ҳозиргача 150—200 тоннадан пахта терди. Коллективизм механизаторлари пландаги 2200 ўрнига 2600 тонна пахтани машиналар билан терилиш мўжжадлашмоқда.

Биз колхоз бўйича 3268 тонна пахта топширилишига муносиб ҳисса қўйиш учун интилоқдамиз.

Т. ОХУНОВА,

Чирчиқ районидagi Киров номи колхозининг бригадари, Ленин мукофотининг лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

№ 204 (6808).

14

ОКТАБРЬ
ПАЙШАНБА

1976 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

Ҳанима Қўлдошева Чирчиқ районидagi «Янгибод» совхозининг илғор бригадари билан бирга бошчилик қилади. Бу коллектив пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини хўжаликда биринчи-дар қаторида бажариб, айни кунларда 40 центнерлик маррани ағалаш учун курашнинг давом эттирмоқда. Бригаданизнинг ўзи шахсий намуна кўрсатиб, машинада 140 тоннадан ортиқ пахта терди.

М. Устабобоев фотоси.



ОҲАНГАРОН САБЗАВОТИ

Маълумки, районимиз тоғли зонада жойлашган бўлиб, экинзорлар дехқончилик учун анча ноқулайдир. Шунга қарамай, совхозларнинг ишчилари ўн икки беш йилликнинг биринчи йилида фидокорона меҳнат қилиб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишда катта ютуқларни қўлга киритдилар. Бир минг 350 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирилди.

Ҳозиргача эл дастурхонига 25 минг 200 тоннадан зиёд сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди ва халқ хўжалик плани ортиги билан адо этилди. Ҳар гектар ердан планда белгиланган 169 центнер ўрнига 195 центнердан ҳосил кўтарилди.

Қўпгина илғор хўжаликларда ҳосилдорлик янада юқори бўлди. Масалан, «Ангрен» совхозига ҳар гектар ердан 250 центнердан, Собир Раҳимов номи совхозларда эса 200 центнердан ошириб ҳосил йиғиб олинди.

«Олмалик» совхоз меҳнаткашлари айниқса баракада хирмон кўтардилар. Бу ерда сабзавот маҳсулотлари 1850 тонна ўрнига 2140 тонна сабзавот сотилди. Дон, мева ва узум сотиш планлари ҳам анча ошириб адо этилди. Бойыр Султонов, Ҳа-

сан Жўраев раҳбарлик қилган бригаданиз коллективлари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ҳам ортиги билан бажаришди. Ҳозирги пайтда бу бригада аъзолари оширган мажбурият ҳисобига маҳсулот топиштирилди.

Совхоз коллективни кечки екиларини ҳам тез ва сифатли йиғиштириб олиб, планга қўшимча яна беш тонна сабзавот сотиш учун курашнинг қизиб бораётган.

Бугунги қувончли кунда биз илғорлар номини ҳурмат билан тилга оламиз. Масалан, «Ангрен» совхозидagi Ким Николай бошчилик қилган бригаданиз 23 гектар ернинг ҳар гектаридан 300 центнердан ошириб сабзавот етиштиришга эришдилар. Бу тоғ эл бағрида жойлашган экинзорлардан олинган юқори ҳосилдир. Воробей номи совхозининг Турсун Нозарова етанилик қилган бригаданиз коллективни эса ҳар гектар ердан 410 центнердан помидор териб олдилар. «Оҳангарон» совхозининг Дурхон Ортиқова бошчилик бригаданиз ишчилари ўн беш гектар узумзорининг

ҳар гектаридан 110 центнердан ҳосил кўтардилар. Районимизда бундай илғорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Шу нарсани қувончлики, сабзавот турлари бўйича белгиланган план топиштирилган ҳам ошириб адо этилди. Масалан, пландаги 11 минг 85 тонна ўрнига 14 минг 783 тонна пизез, 275 тонна ўрнига 304 тонна лавлаж сотилди. Полдиз маҳсулотлари тайёрлаш плани ҳам анча ошириб бажарилиди. Бугунгача районимиз хўжаликларига аҳолига 2150 тоннадан зиёд қовун-тарвуз етказиб берилди.

Бир сўз билан айтганда, район меҳнаткашлари ўн икки беш йилликнинг биринчи йилини муваффақиятли якунлаш ва келгуси йил ҳосилга пухта замин тайёрлаш учун зарур бўлган ҳамма чораларни амалга оширишди.

К. АЪЗАМОВ,
Оҳангарон район партия комитетининг биринчи секретари.

А. ҚОСИМОВ,
район илғор комитетининг раиси.



„Оқ олтин“ хирмонига

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА
ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ
ЙИЛ 13 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН
МАЎЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — районолар: иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта: учинчи устун — шу жумладан машинада: тўртинчи устун — мавсум бошидан бўён терилган пахта: бешинчи устун — шу жумладан машинада.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ	1,22	0,91	116,92	139,80
ҚУЙИ ЧИРЧИҚ	1,07	0,89	114,06	142,29
ЯНГИЙЎЛ	1,20	1,27	104,42	98,01
УРТА ЧИРЧИҚ	1,39	0,72	100,80	119,25
БўКА	1,53	1,77	94,71	111,48
Оққўрғон	1,41	1,81	93,72	110,15
Чирчиқ	1,65	2,32	93,40	90,89
Бекобод	1,57	1,70	85,67	89,72
Пискент	1,18	1,08	80,54	86,79

Область бўйича 1,37 1,42 96,59 109,84

Шу кунин республикамизнинг бошқа областларида куйидаги миқдорда пахта тайёрланди (бир кунин, мавсум бошидан бўён процент ҳисобида): Андижон 1,25, 85,14, Сурхондарё 1,42, 82,00, Жиззах 2,02, 76,67, Қашқадарё 1,72, 75,95, Наманган 1,65, 74,72, Бухоро 1,04, 73,05, Сирдарё 2,59, 71,70, Фарғона 1,60, 71,67, Қорақалпоғистон АССР 1,18, 66,90, Самарқанд 2,53, 65,75. Республика бўйича: 1,60, 74,98.

ВИЗИТ ТУГАДИ

Ангола Халқ Озодлиги Ҳаракатининг (МПЛА) Раиси, Ангола Халқ Республикасининг Президенти Антонио Агостиньо Нето Бошчилигидаги Ангола Халқ Республикаси партия-давлат делегациясининг Совет Иттифоқига қилган визити тугади.

Тошкент аэропортида Ангола Халқ Озодлиги Ҳаракатининг Раиси, Ангола Халқ Республикаси Президенти ўртоқ А. А. Нето раёқаси билан, партия-давлат делегациясининг аъзоларини КПСС Марказий Комитети Сийёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов раёқаси билан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюро аъзолари И. Г. Анисимкин, С. Е. Белонжко, Л. И. Греков, И. Р. Қурбанов, Н. М. Матчонов, М. М. Мухомов, Т. Н. Осетров, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюро аъзолигига кандидат Э. Б. Нордман, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. С. Абдуллин, Тошкент ошириб ижроия комитетининг раиси П. Ю. Юсупов, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дулин, Тошкент шаҳар совети ижроия комитетининг раиси В. О. Қозимов, бошқа расмий кишилар кузатиб қолилар.

Кузатиб қолувчилар орасида ҳурматли меҳмонларнинг Совет Иттифоқи бўйлаб қилган сафарига уларга ҳамроҳ бўлган СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари П. Я. Стратуманис, СССРнинг Ангола Халқ Республикасидаги элчиси Б. С. Воробьев, СССР Ташки ишлар аминистрлигининг бўлим муҳли В. А. Лихачев бор эди.

Антонио-Агостиньо Нето журналистлар билан Совет Иттифоқида бўлиш натижасида олган таассуротларини журналистларга таъбириб берди.

Биз дўстлар мамлакатда эканатизмининг доимо сезиб туриш, — деди А. А. Нето, — Москвада КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев билан, бошқа совет раҳбарлари билан муҳим музокаралар бўлди. Совет Иттифоқи билан Ангола Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳақларидаги бирлаштириб турган қардорлик ва бирдамлик тўғрисидаги ифодадади, айни вақтда бу ҳужжат муносабатларимиз ривожининг янги босқичини бошлаб беради. Бу — визитнинг бош якунидир.

Улғур Совет Иттифоқининг пойтахти — Москва билан, Владимир Ильич Лениннинг фойлигига алоқадор тарихий жойларни зиёрат қилишимизга имкон берган шаҳарини — Ленинград, Тошкент билан таъиниш ҳаммамизда катта таассурот қолдирди. Биринчи социализм мамлакатининг таъжирбаси биз учун бениҳоя муҳимдир, деб таъкидлади А. А. Нето. Шу жиҳатдан ҳам, хусусан, Ўзбекистоннинг саноати ва қишлоқ хўжалиги билан таъиниш фойти диққатга сазовор бўлди.

(ЎзТАГ).

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ СУҲБАТИ БРОШЮРА ҚИЛИБ НАШР ЭТИЛДИ

Сийёсий адабиёт нашриёти КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг 1976 йил 5 октябрда Франция телевидениеси орқали эштитрилган суҳбатини брошюра қилиб нашр этди. Брошюра кўп нускада босиб чиқарилди.

(ТАСС).

МАШИНАДА КИМ ҚАНЧА ПАХТА ТЕРДИ?

БЕКОБОД РАЙОНИ.

ОИБЕК номи совхоздан
Тошмурод МИРЗАЕВ (17 ХВ-1,8 терим агрегатида) — 190 тонна.
4-«ДАВЛАТ» совхозидан
Валд ҚУЛМЕЗИРОВ (14ХВ-2,4 терим агрегатида) — 140 тонна.
«ПОБЕДА» колхозидан
Али МАМАТҚУЛОВ (17ХВ-1,8 терим агрегатида) — 130 тонна.
НАВОНИ номи колхоздан
Меҳринос БЕГИМҚУЛОВА (ХТ-1,2 терим агрегатида) — 75 тонна.
БҮКА РАЙОНИ (17ХВ-1,8 терим агрегатида).
«ОКТАБРЬ 40 ЙИЛЛИГИ» колхозидан
Сервер УСЕИНОВ — 340 тонна.
Ҳамид ШАРОНОВ — 260 тонна.
«КОММУНИЗМ» колхоздан.
Неъмат МУРОДОВ — 247 тонна.
«ЛЕНИН ЙҮЛИ» колхоздан
Суяр ҲАСАНОВ — 230 тонна.
«БҮКА» совхоздан
Мария КОВАЛЕВА — 150 тонна.

ИЛҒОР САБЗАВОТКОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касабаси Совети ва область комсомол комитети районлар, колхозлар, совхозлар ўртасида давлатга сабзавот, қовун-тарвуз, қартошка, хўл мева ва узум сотиш юзасидан мусобақанинг 1976 йил 1 октябргача бўлган якунини кўриб чиқиб қарор қилдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касабаси Совети ва область комсомол комитетининг кўмаки Қизил байроғи Оҳангарон районига берилди. (район партия комитетининг секретари К. Аъзамов, район ижроия комитетининг раиси А. Қосимов, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошчилиги В. К. Пак, район комсомол комитетининг секретари М. Қодиралiev, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов ишчи-хизматчилари касабаси союзлари район комитетининг раиси М. Давронов, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш ва сифати бўйича бош давлат инспектори А. Абдуразақов ўртоқлар). Бу район давлатга сабзавот сотиш йил-

лик планини ассортиментлари бўйича 90,5 процент, қартошка бўйича 67,0 процент, хўл мева бўйича 85 процент бажарди. Сентябрьнинг 15 кунлигида сабзавот бўйича планга нисбатан 42,4 процент, қартошка бўйича 13,3 процент, узум бўйича 16,4 процент ўсишга эришилди.

Байроқ Янгийўл районидан олиб берилди.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касабаси Совети ва область комсомол комитетининг кўмаки Қизил байроғи Тошкент районидagi Собир Раҳимов номи колхозга берилди. (раиси Қ. Латипов, партия таъкилотининг секретари А. Абдураҳимов, бош агроном В. Ёқубов ўртоқлар). Бу колхоз йиллик сабзавот сотиш планини 101,6 процент, қартошка планини 64,1 процент, хўл мева планини 280 процент бажарди. Сентябрьнинг 15 кунлигида йиллик планга нисбатан сабзавот сотиш бўйича 14,4 процент, узум бўйича 86 процент, хўл мева сотиш бўйича 37,8 процент ўсишга эришилди.

Байроқ шу райондagi Ильич номи колхоздан олиб берилди.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касабаси Совети ва область комсомол комитетининг кўмаки Қизил байроғи Қўйи Чирчиқ районидagi Собир Раҳимов номи совхозга берилди. Бу совхоз йиллик узум топшириш планини 95,6 процент, хўл мева планини 126,1 процент бажарди ва сентябрнинг 15 кунлигида узум бўйича 51,2, хўл мева бўйича 27,7 процент ўсишга эришди.

Байроқ Пискент районидagi Вахрушев номи совхоздан олиб берилди.

Область матлубот жамиятига социалистик мусобақа илғорларига бериш учун Оҳангарон районига, Тошкент районидagi Собир Раҳимов номи колхоз, Қўйи Чирчиқ районидagi «Огонёк» совхозига битадан «Огонёк» автомашина ажратиб топширилди.



Республикамизнинг беш миллион уч юз минг тонналик улкан «оқ олтин» хирмонини бунёд этиш учун бошланган умумхалқ ҳаракатида областимиздаги ўйлаб машъал хўжалик коллективлари актив иштирок этиб, ўзларининг баракали уллушларини қўшмоқдалар. Янгийўл районидagi «Ленинизм» колхозини ана шу машъал хўжаликлар сафида бораётир. Пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини районда биринчилар қатори бажарган хўжалик коллективни бу йилги ҳосилнинг бир граммининг ҳам нобуд қилмай йилги-териб олиш учун курашмоқда. Суратларда: ўз агрегатлари билан юз эллик тоннадан ошириб пахта терган илғор механик ҳайдовчилардан Мажид Борибеков (чапда) ва Дехдон Те-А. Абалаев фотолари.



Дўстлик тароналари янграмоқда

Бўёқларда давр нафаси

Шу кунларда республика расмолар Союзининг кўргазмалар зали олдидан ташқари тавжум бўлиб қолди. Тасвирий санъат, графика, ҳайкалтарошлик муҳлислари бу ерда Россия Федерацияси расмоларининг ижоди билан яқиндан танишмоқдалар.

Серкўёш Ўзбекистонда ўтаётган РСФСР адабиёти ва санъати кунлари ташкил қилинган кўргазма тасвирий санъат муҳлисларини рус тасвирий санъатининг, сеҳрли оламига олиб кирапти. Кўргазма совет Россияси кўпмиллатли санъатининг ютуқлари ҳақида ҳикоя қилади.

Экспозициялар қўйилган залларни айланган экансиз, бир нарсани диққат-эътиборингизни тортди. Рус расмолари ижодида уларнинг бугунги кун проблемаларига, совет турмуши тарзига, партия XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун хормай-толмай меҳнат қилаётган ишлаб чиқариш илгөрлари мавзуга тез-тез мурожаат қилиб турилари яққол кўзга ташланади.

Рус расмолари ижодида Ленин образи асосий ўринни эгаллайди. Кўргазма экспонатлари мундан далолат беради. Ленин ҳақида ҳикоя қилувчи асарлар орасида айниқса РСФСР халқ расмони В. Г. Ципляков яратган портрет эътиборни ўзига тортди. «Ленин колоннада» деб номланган бу асарда доҳий образи усталик билан очиб берилган. Ленин мавзуи В. Замков, В. Шчербаковларнинг полотноларида, В. Цигалиннинг ҳайкалтарошлик композицияларида ўз ифодасини топган.

Совет тасвирий санъатида революция мавзун ҳам муҳим ўринлардан бири бўлади. Айниқса Россия Федерацияси расмолари бу мавзуда самарали иш олиб бормоқдалар. Улар ўша давр тарихий жиҳатдан турғи ёндошиш, партиянинг

Кўргазма заллари бўйлаб

Илбосчилик фаолиятини кўрсатиб бериши ўзларининг асосий вазифалари деб билдиладар. Е. Моссеенконинг «Бизни ёшлик олға бошлаган» номли полотноси шу мавзуда яратилган етук асарлардандир. Расмом бу асарда совет ҳокимиятини барпо қилишда ва уни оқ гвардиячилар ҳамда интервентлардан ҳимоя этишда ёшлар ўйнаган ролни очиб беради. Полотно 20-йиллар комсомоллари ҳақида ҳикоя қилади.

Шуниқс диққатга сазоворки, кўргазмада рус совет тасвирий санъатининг классиклари билан бир қаторда ёш ижодкорлар ҳам қатнашганлар. Улар тасвирий санъат, графика, ҳайкалтарошлик, амалий санъатда ижод қилиб, ўз замондошларининг образини яратмоқдалар. Уларнинг замондошлари — Сибирининг чечениз Тайга ўрмонларини ёриб темирйўл кураётган комсомоллар, КамАЗ бунёдкорлари, фан ва техника революциясини амалга ошираётган, халқ ҳўжалигини гуржиратаётган кишилардир. Ёш расмолар ўз асарларида рус характерини, чечениз Россия ўрмонлари ва буғдоюлларини ифода этишган.

В. Смирновнинг «Кўприк-созлар» полотноси курувчилар ҳақида ҳикоя қилади. Графика намунаси бўлган бу асардан совет кишилари катта бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган давр нафаси яққол сезилиб турибди. Шу жиҳатдан олганда графикачи расмом В. Павловнинг «Номбайчилар тушги оғирда», М. Охуновнинг «Тушқасозлик пещера» деб номланган ишлари ҳам ёшлар, уларнинг тайврат-шивоати ҳақида ҳикоя қилади.

Кўргазмада амалий санъат намуналарига кенг ўрин берилган. Рус амалий санъат усталарининг асарлари азалдан халқ орасида юксак баҳолашиб келган. Халқ усталари яратган чинакам юдир асарлар томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

... Махсус супадада машҳур «Матрёшка»лар териб қўйилган. Супада олдида катталар ҳам улар билан бирга келган фарзандлари ҳам узоқ тўхтаб, бу ажойиб ўйинчоқларни мароқ билан томоша қилишмоқда. Қўғирчоқлар ёнига ёғочдан ишланган тақсимчалар, қошиқлар, кўзачалар териб қўйилибди.

Россия Федерацияси кўп миллатли республика, Кўргазма экспонатларида ҳам унинг бу хусусияти сезилиб турибди. Экспонатлар орасида Доғистон, Ўзқ Сибирь, халқлари, Бошқирдистон санъаткорлари яратган асарлар ҳам ўрин олган. Доғистонлик халқ усталари мисдан яратган буюмлар безаги янхатдан бошқалардан фарқ қилади. Бу табиий албатта. Улар яратган асарларда масур тоғ халқи характерини, миллий урф-одатлари акс этади.

Ҳозир фақат Совет Иттифоқидагина эмас, ўнлаб чет эл мамлакатларида ҳам Ленинград чинни заводи махсусотларига талаб жуда катта. Бу заводда РСФСР Давлат муқофотларининг лауреатлари А. Лепорская, В. Горюхонин, Н. Славина, А. Семановалар самарали иш олиб боришмоқда. Намойиш этилаётган буюмлар орасида шу расмоларнинг кўпгина асарлари бор. Чой сервизларида чиниқасозлик ва тасвирий санъат ўзаро уйғунлашиб, яхлит бир асарни ташкил қилади.

Давр билан ҳамнафас рус расмоларининг ижоди ўзбек тасвирий санъат шинаандолари қалбини забт этмоқда.

А. АБДУЛЛАЕВ.



Ўзбекистонда ўтаётган РСФСР адабиёти ва санъати кунларида Тошкентда Россия Федерацияси расмоларининг асарлари кўргазмаси РСФСР китоблари бозори ташкил этилди. Суратларда: (чапда) китоб бозорида; (ўғнда) выставка залида.



Ўзбекистонда ўтаётган РСФСР адабиёти ва санъати кунларида Тошкентда Россия Федерацияси расмоларининг асарлари кўргазмаси РСФСР китоблари бозори ташкил этилди. Суратларда: (чапда) китоб бозорида; (ўғнда) выставка залида.

МАНГУ АЛАНГА

Мен бу ерга келаман
Эгулди, ғамини хушлаб,
Урмалайман, елман,
Юрагини ҳовушлаб,
Тешада ҳансрайман
Сийрак ҳавога учраб,
Юз йилларни таралур
Кенг даврда асаб нур
Сокин дарё сувининг
Бетида бу манзара.
Мамаев Кўргоннинг
Чўққиси юксак эрур,
Афсус дарслида бун
Езмабдилар бир навра,
Дарслида йўқдир оти
Ахир ерининг тафти ҳам,
Кун сайин камолоти
Шуқдани ер кайтиди
Турар Мамаев Кўргон!
Унутмайин туғуқун
Бун эсламоқ учун
Берилган амру-фармон!
Ёнар минглаб, қаранг-а,
Мангу сўмас аланга!
Афсус китобда номини
Йўқдир Мамаев Кўргон,
Жафокан юрагинида
Қанчалаб металл ётар!
Энг машҳур Магнит тоғи
Бойлигидан ҳам кўпроқ,
У етар дўстларингга,
Евга ҳам етиб ортар,
Шабнам дури ўринга
Сўйир сайон сингари,
Темир унб чинакан,
Тоғчилаб қон ёшлари,
Худди шунинг учун ҳам,
Ерининг тортиш кучини
Энг асосий қисмидир,
Сеннинг тортулчи кучини,
Гуллар билан ўсдин сен,
Кўз биш-ла ўсдин сен,
Мана турибсан халқим
Кайгусига дош бериб,
Охиста қадирокнинг
Кўннинг қайқоқлари
Кечини қўнроғидай
Урилган сенга келиб,
Ва ўшанда қўшчалар
Бош кўтарар тупроқдан
Ҳам асаби тейларан
Саҳро қарқоқ гнэхдан,
Тилга қириб абадий
Еддан ўчган нидо ҳам
Мармар тошларини оста
Чертга, қалбида мотам.
Хотирга келар яна
Ўша муҳини манзара,
Майда жузюликлардан,
Кезилган эл-элатдан,
Алаҳсанган тушлардан,
Ва халқ чеккан фарёддан
Тўпланиб бир йўла
Бўлар бирдан намоён
Жарангдор орден тўла
Қўрақ-ки илели қалқон,
Сершовқин қадирокнинг
Дўқини қилмай писанд,
Қўғалариди биз жангта,
Шиддатин ғалаб билан.
Бизнинг байроғимизга
Битилган бир сўз—зафар,
У ҳамроҳ эди бизга,
Зафар дердик ҳар сафар,
Она юрт ҳақин — зафар,
Тириклар ҳақин зафар,
Келажак ҳақин зафар!
Урушнинг мўлқоқ керак —
Шудир муқаддас тилан!

Н. ОРИФЖОНОВ,
таржимаси.



Суратда: Россия санъаткорларидан бир гуруҳаси. А. Абалон фотоси.

САККИЗЛИК

Мухаммад-Зохид АМИНОВ
(Лак шонир).

Хиндистонда дейдилар, ilk бор
Ер юзига тушгандир илон,
Ўз бургутини қўли билан
Кадимроққа йўйишар ҳамон.
Башка менинг фикрим аввалда,
Ерда пайдо бўлган инсонлар
Кўпларидан бўлар ярадли,
Қолгандан эса илонлар.

ОТА ДАРГОҲИ

Дунё турғунча тургин мустаҳкам,
Тоғлар аро турган ота даргоҳим.
Сен ўзинг Маккамсан, ўзинг
Мадинам,
Сенга зиб соҳсин менинг ингоҳим.

Бағрингга қайтурмен ҳар гал
Сафардан,
Гўё илон изи мен юрган йўлим.
Юксак останагга оёқ қўйган он,
Ғам-ташвиш йўқолиб, ёришар дилим.

Булутгача кўтарилган пиланоялар,
Сен томон интилган зинама-зина,
Ўтмиш абадларнинг руҳи-сонлар,
Мухрамининг из бўлиб тошлар
Бетина.

Шайланган ҳўқизлар, қозон ўқоқда,
Деворда исёкор шамшири азиям,
Отамнинг эди улар бир чўда,
Уларнинг барига қидаман тўзям.

Сен менинг бешигим, илақ ошеним,
Меҳриндан фаҳрга тўлади юрак.
Сўғмас муҳаббат, жисмаро жоним,
Иллар оша сенга элгум бешак.

Ким қирса ҳовлига истаб ҳосият,
Олт, номоз билан этмадин меҳмон.
Соҳибларга дединг қилиб васият:
— Дон экин дунёда, экинганга бўҳтон.

Соҳибонин уйи ёқинли, қўрқам,
Қайда бўлмай сен кўрар ингоҳим,
Сен ўзинг Маккамсан, ўзинг
Мадинам,
Тоғлар аро турган ота даргоҳим!

Раҳим УМАРИЙ таржимаси.

Ў Ш И Қ

Тун—кечада улайдир шамол,
Кимдир чертди дарчани беҳол,
Бу ёмғирдир, сен эмассан, йўқ,
Гийиллаб қай кимдир мава,
Дарвозани очар расмон,
Бу шамолдир, сен эмассан, йўқ,
Тезроқ борай болаларга деб,
То келди шовиб, энтикиб,
Бу лондир, сен эмассан, йўқ,
Тоғу-тошнинг кўймоқда оққа,
Оқ пўстинлик бобо келмоқда.

Ў Ш И Қ

Бў — қаҳратон, сен эмассан, йўқ!
Тунга бефори, кундуга бефори,
Сувориди ҳам ўтар илсин барқ,
Бу — замондир, сен эмассан, йўқ!
Аёз кетди, повулар кўш,
Кўрмиди аламли кўз ёш,
Кўрмиди факатгина сен,
Кўш ёшди, ўтиб кетди ёш,
Хануз, хануз қалбида ёш,
Искитгандир ун факат сен!

Мухаммад Али таржимаси.

ҲАЁТ БИЛАН СУҲБАТ

Менга сенинг дашноминг нечун!
Буйроқ бердинг бўлдин раҳмон,
Ўтга солдинг, дединг: «Бўл темир!»
Кизартириб тобланинг расо.

Сенга қандай гуноҳ айладим!
Буйруғиндан тортдимкиан бош!
«Тош бўл!» — дединг, тошга айландим,
Тошдай бўлди мендаги бардош.

Қай сўзининг қолдирдим қуруқ!
Сен йилғасинг йилғадим мен ҳам.

«Ҳўқиз бўл!» — деб бергандинг буйроқ,
Ҳўқиз бўлдим, қийилди елкам.

Кайтдимми мен ичганда қасам!
Не буюрсанг тахт турдим факат,
«Яш!» — дединг, яшадим мен ҳам,
Меҳнат қилдим ба ҳоли қуарат.

Олов талаб қилгандан бир бор,
Бўлдим олов — унотг вулкан.
Ҳаёт, яна не тиланинг бор!
«Кул бўл!» десанг бўлурман қаққон.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ таржимаси.

Таъзим

(ҚИССАДАН ПАРЧА) Агния КУЗНЕЦОВА

ЎН тўрт-ўн олти ёш... Усмирлик... Киши ўз ўмирининг бу даврида, ҳамма нарсани ҳали олдинда, деб билади. Бугунги кунда юз бераётган ҳар қандай воқеа-ҳодисаларни, эшитилган гап-суҳбатни ўқинчи бир нарсани деб ўйлайди. Ҳаётда нимадир — кутилмаган ва буюк бирон воқеа юз беришига интизорлик билан кўз тутди. Асплада эса, ўтган ҳар бир кун ўсирида ўз экин қолдиради. Унинг ҳар нарсадан хабардор бўлиши, тафаккур қилиши, жасорат кўрсатиши, келажакни унинг улуғвор режалар тузишда теварак-атрофдагилар — уйдагилар ҳам, кўча-куйдагилар ҳам, айниқса, ёш авлодга таълим билан бирга тарбия бериш, бутун кун-ҳайратини, талабсини мактаб ишига бағишлаган ўқитувчи бекиб тасвир кўрсатади.

Мактаб ўқувчилари ва студентлар ҳаётдан олиб ёзилган ўйлаб қиссалар муаллифи А. Кузнецова ўзининг янги асари — «Таъзимда» ана шу ҳақда фикр юритади. «Дунёда ҳар ишга қодир» инсон—ўқитувчига тасанно айтади.

«Сўнгги кўнроқ» жиринглаб, битирувчилар хайрлашган гилар кечасида қўшун кулгу, тиларо-бақиларнинг шўх сардорлари билан тоғта қалар шохлар осойишталигини бузганларидан сўнг кўп ўтмай илкий мудир столи устиде эса бўлгуси биринчи синф ўқувчилари рўйхати пайдо бўлар-бўлмас, бугунги мактабни ремонт қилиш ишлари бошлаб юборилди.

Ишчилар мактабни ишчишйдан қилиб бўшатиб, девор бўёкларини қириб-қиртишлашча киришдилар.

Ўқитувчилар хонасидаги икки ишчи ҳали ҳиди аниқ турган ёлғочлардан қўполдан-қўпол қилиб, наридан—бери ҳавоза асаб, девор сир қатамини кўчиришганди. Қоғоҳон, уларнинг кўз ўнгиде авал битта, кейин иккита, учта деворга маҳкамлаб қоқилган ме-талл ҳарфлар ва нихоҳт улар-

ташлаганча, тарих ўқитувчиси Николай Михайлович Грозний ўтиб қолди.

Ўтган йили шу мактабни битириб, университетнинг тарих факультетига ўқиниша кирмоқчи бўлганда кириш имтиҳонларидан иккинчилар ёш ишчи — Степан ўқитувчининг қаққиди.

Бир умрга, албатта, болалик чоғларидеки, Иоанн Грозний лақабини олган ўқитувчи, ҳо-нан сохтадек ёритиб турган чироқ нурларидан қўзини қисиб, ичкарига кирди.

У ёш йилгит бўлиб, қоп-қора соҳиларини, ўқитувчилар ахлоқ қонунларида кўрсатилгандан бир муҳта узуноқ қўйганди, оқ кўпранг — ич-ичига мовий кўзлари илтифоти боқар, ўзи эса мардонавор, айни пайтда: чекмас мулоим кўри-нарди.

Унинг юз тузилиши факат чироқли бўлган унингга ўзига-га тортишди. Кўз ифодаси тез-тез ўзгариб туриши, қўш-лар асаби унинг, энг муҳи-ми, баъзан худди чекрасидан нур ёйиляётгандай, ёқимтой болалардай кўрсатиб юбору-ди. Ҳаёт таассуми билан у ҳар қандай кишини ажблантириб, диққат-эътиборини ўзига жалб қиларди.

Ўқувчи қизлар ўқитувчининг шундай хусус-жамолига буйи монанд эмаслигига аниқлаш-ди. Николай Михайловичнинг ўзи ҳам буйи пастлигидан кўп афсусланарди: у ўқитувчини маълум даражада кўтэрга ўх-шатар ва унга фақат жозиб-адорликине эмас, савлат ҳам

дарҳол узоқлашиб, ҳикматли иборани овозини чиқариб ўй-ди.

— Жудаям ажабланибди, тўғрими? — шовша-пиша сўради Степан, ақдодлари русу бурят-лар эканлигини аниқ кўрсатиб турган кишиқ кўзларини дем ўқитувчига, дам деворга тек-киб. — Езув қадиминю, шорш шў замонинки! Демак, ўтмиш замонларда ҳам чин инсонлар бўлган эканда...

Николай Михайлович жавоб қайтармай, ҳикматли иборани пичирлаб қайта ўйиб чиқди.

— Бу уй капиталист Сара-товкинники эди. Сибирдаги энг бай-бадаллар одамники... Ма-на, энди, кутилмаганда, буна-қанга сўзлар чиқиб қолди! — ажабланиб деди кекса иш-чи. — Қизик, буларни ким ўй-лаб топган-у, ким уларни де-ворга қоқтириганини!

— Саратовкилар бу ерда яшашмаган, — эътироз билди-рад Степан. — Бу жой етимхо-на, бизнигча. Болалар уйи бўлган. Бу етимхона Саратов-кин номи билан аталган... Тў-ғрими, Николай Михайлович? Эсингизда борми, олтинчи синфда ўқийтганимизда, мак-таб атрефини кўкаламзорлаш-тириш учун, кўчаларга чўқур қавлаб туриб, жудаям занглаб кетган темир лавҳа топил-ган-дир. Унга «М. И. Сара-товкиннинг етимхонаси» деб ёзи-лаганди. Шу эсингиздами, Ни-колай Михайлович? Дароқки, Са-ратовкиннинг исми-шарафини қандай етшарди?

Николай Михайлович хийла ҳаяжонланаётганди. Қамзули

чўнтагидан сизарета чиқарди. Кекса ишчи, ҳавозага сўғина осилтириб ўтириб тепадан кў-лини чўзди. Пастга сакраб тушган Степан эса, ўқитувчи қўлидан сизаретани бақжон-дир олди. Худди шу лаҳзада Степан жудаям улғайиб, қа-чоналардир бир пайтлар қўлга тушмаслиқ учун, папирос чек-кани ҳоҳатхонага кимдан яши-ринган бўлса, энди ўша одам билан тенгдошдай бўлиб қол-ганини сездди. Мана энди, унинг ўз қўлидан сизарета олиб, очилган-очик чекпа! — Саратовкилар ижикта эди, — деди ўқитувчи сизаре-тини сўриб чеккач, қўлини ир-лос полга қокар экан, — ота-ва ўғил эди улар. «М. И. Са-ратовкин етимхонаси» етим-есирлар учун бошлана эди, болаларни ишлатиш мақсадида унга Михаил Ивановичнинг отаси асос солганди. Унинг ўғли — менинг алашим Ни-колай Михайлович эса, отаси қа-зо қилгандан кейин, бу етим-хонани бизнинг тилимиздаги ҳаққини болалар уйига айлан-дирган. Етим-есирларнинг са-водини чиқариб, уларга касб-хўнар ўргатган. У жудаям ақо-либ тарбиячи бўлган. Лекин, афсуски, биз у ҳақда ҳали ҳам даярли ҳеч нарсани билмаймиз. Айтишларига қараганда, инки-лобчиларга ҳам ёрдамлашган. Аммо бу ростики, ёлғонми маълум эмас. Текшириш ке-рак. Архивни кўриш, ўрганиш лозим. Э-э, гапираман деса-гап, қиламан деса иш қўпу, фақат ҳаммасига вақт етиш-майдида. Мана бу ҳикматли

ибора эса, ўйлайманки, ада-шиники.

— Ушаники, ушаники! — деди ишчи билан кекса ишчи, ҳарфларга ҳўрмат-эътиборла қараганича.

— Бу ёзувни деворда қол-дираверса бўлмайдики! — сў-ради Грозний.

— Нега бўлмас экан! Бўла-ди! — барварига дейишди ик-кала ишчи. — Фақат, директор нима деркин, бунга!


— Павел Николевич билан бу-гунчоқ ўзим гаплашман, — де-ди бунга жавобан Николай Михайлович.

Бир муҳта вақт ўтган, Павел Николевич ҳавозага гоҳ яқинла-шиб, гоҳ ўндан узоқлашиб, девордаги ҳикматли иборани қизикиб ўқиди. Кейин кексали-гино, ҳалдан ташқари семиз-лигига, эгин-бошига ҳам қара-май, тирмашганча ҳавозага чиқди.

— Рус кишиси ҳайратдан ёқо ушлайди-я, — у ҳарфлар қўйилган металики бармоқлари билан пайпаслаб кўрар экан, паст овозда бир неча марта шундай деди, — устига-устак яна мен физикман. Менга ай-ниқса қизик бу. Мис... сифат-ли мис...

У пастга тушди. Тер босган ялпоқ, қўпгина семиз одам-ларга хос мулоим юзини қат-қат баъбақасини аралашига арди, кейин сийрак узун соч тоғаларни қиялатиб, моҳирона яширилган тепақаликка даст-дўмолини эҳтиёткорлик билан босиб қўйди.

— Сўзлар-ку, ҳўп ажойиб-а,



Русақдан Абдуқамил ШО-МИРЗАЕВ таржимаси.

ОҚ ХАЛАТ КИЙГАНЛАР

ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

Жаҳонгирна қизчасини еталаб, шодон қадом ташлаб келадиган аёлнинг севинчли бир қарашдаёқ англаб олиш қийин эмасди. Севинмай буладими? Шифокорларнинг сермашаққат меҳнати, қалб кўри билан унинг етти ёшли қизчаси яна ҳаётга қайтарилди.

Уша муҳлиш кун ҳамон онанинг ёнида, ўзини қорғи қизча қуддага тушиб кетди.

Фалокат юз берди, дейишди. Она боласининг ёнига келганида унинг бош ва кўз суяклари синган, оғизча сув тулиб зўрга нафас олаётган эди.

Шифокорлар томонидан биринчи ёрдам ва ҳамма чектириб бўлмайдиган заҳар чоралар кўрилди. Қилинган меҳнатлар аёе кетмади. Қизча энди сонпасог. Ҳеч нарса қўрмагандай.

Миниатюрчалитимни баён қилгани сўз топпаман. Қизимни қайтадан ҳаётга қайтарганига меҳрибон шифокорларнинг қўллари сира ҳам дард кўрмасин. Касалхонанинг беморлар хўрада тез-тез бўлиб турадиган бош врачидан тортиб, 800 кишилик коллективнинг ҳар бир аъзосидан чексиз миннатдорам. — дейди шаҳардаги 8-дорихона ходими Раъно Носирова.

Бундай илиқ қалб сўзларини касалхонада дардига даво топиб чиқадиганларнинг ҳаммасидан эшитиш мумкин. Биз бунга 1-шаҳар клиник касалхонасидан тақлиф ва илтимослар дастури билан яқинлашганда ҳам амин бўлдик.

Тошкентдаги 1-шаҳар клиник касалхонада республиканинг энг кенс шифокорларидан ҳисобланади. Бундан 63 йил муқаддам ташкил қилинганда 15 беморнинг даволаш имконини бўлган касалхона бугунги кунда 600 ўринга эга бўлиб беморларга юксак савияда медицина хизмати кўрсатади.

Касалхонамиз яна кенгайтирилмоқда. Ҳозирги кунда иккита янги корпусда қурилди. Ишлари жадал суръатлар билан олиб борилаётган, — дейди касалхона

бош врач Мехнат Қизил Байроқ ордени навалери Қўлаҳмад Ризаев. Қуриладиган янги биноларнинг бири хирургия бўлими бўлиб, у Улуғ Октябрь революциясининг 59 йиллиги байрамига нисба қилинган. Қурилиш ишлари тугатилган, касалхонамиз бир йўла 1550 беморга хизмат кўрсата олади. Бу янги шаҳар партия комитети ва ижроия комитети жуда катта ёрдам кўрсатаяпти.

Шифокорна бўлими ва лабораториялари Ҳозирги замон илгор медицина техникаси ва асбоблари билан

жизилланган. Одийгина мисол: касалхона палаталарида БТМ—01 виднотелефони мавжуд. Бу телефон орқали бемор ўз қарашдоши ёни таниши билан суҳбатлашини, аяни вақтда унинг асосини экранда кўриб туриши мумкин. Бу эса бемор руҳини кўтаришда муҳим омил саналаётган. Беморнинг тезроқ соғайиб кетиши маълум миқдорда кайфиятга ҳам боғлиқ бўлади.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг ходимлари билан биргаликда Ўрта Осиёда биринчи марта шифоконда броски астма касаллиги операция усули билан даволанган эди. Ҳозирги кунда жарроҳ Явадод Қаримов раҳбарлигида бу хилдаги операциялар кенг қўламда олиб борилаётган. Астма чекиммоқда. Қилинган операцияларнинг деярли ҳаммаси яхши натижалар бермоқда.

Астма касаллигини хирургик усулда даволаш мавзусида Явадод Қаримов докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Бу касаллиқнинг олдинчи олинган янада тақомиллаштириш борасида шифоконда қўшда бир қанча ёш олимлар илмий изла-

нишлар олиб боришлар. Амалий тажрибалар асосида янги илмий диссертациялар вужудга келаяпти.

Касалхонанинг қўлоқ, томоқ ва бурун касалликлари бўлимига медицина фанлари доктори, профессор Г. Юрғалимов раҳбарлигида қилинди. Олим раҳбарлигида икки қўлоқнинг пластинка усулида операция қилини кенг йўлга қўйиб юборилди. Кишиларда эшитмасдан қўлини қўйиб қўлоқларда эшитиш суякчаларининг қўлоқ пардасига бутунлай ёпишиб қолиши натижасида рўй бераётганлиги ва пировардига икки қўлоқдаги сезгир асбобларнинг марказий верв системасига таъсири бузилаётганлиги аниқланди. Бу хилдаги касаллик операция усулида тузатилиши ҳам исботланди.

Ренемация ва интенсив терапия кафедраси касалхонанинг энг кенс бўлимида экиб қўйилган. Бош врач бўлим фаолияти билан таништирар экан, бу ердаги шифокорларга ҳазил-мутойна қилиб, уларни ўз ўрнида командасига ўхшатиб. Ҳақиқатда уларнинг бу гаплари ҳақиқатга мойиллик бор эди. Бўлимнинг шифокорлари ҳам, операция хонаси ҳам ҳамма ҳар ишга тайёр турарди. Навбатдаги операция қилганга ва қачон бўлади, бунинг ҳеч ким билмайдиган. Юқордаги баён қилганимиз — етти ёшли жаҳонгирна ҳам қўлимизда жаман шу бўлимда жарроҳ столига ётқизилган эди. Бундай масулиятни ўш шифокорлардан ўта билдим-дониш, чакқонлигини талаб қилиш табиийдир. Шунинг учун ҳам бўлимда медицина фанлари доктори, профессор А. Зарзар, жарроҳ В. П. Куренков каби кўзга кўринган, танил ва малакали шифокорларни унвуртдик.

Шифокорлар оқ халат кийиб, тузини-тонига улаб, халқимиз сийхат-саломатлигини муҳофиза қилишга, Улар маҳорати умрига-умр қўйиб йўлда тинимсиз изла-нишлар олиб бораётганлар.

Р. ШЕРАЛИЕВ.

Бекобод район маданият уйи қошида махсус автоклуб тузилган. Бу клубда бадий ҳаваскорлик коллектив, лекторлар группаси, кўчма кутубхона ва кино бор. Улар йилнинг-терминнинг долзарб кунларида «Оқ олтин» хирмонларини уйиб, фидокорона меҳнат қилаётган дала меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатмоқда. Бадий ҳаваскорлар раёонининг «Ленинград», «Давлат» совхозлари, Навоий номли колхозларида концертлар қўйиб бермоқдалар.

Айниқса, Р. Биратов, Ҳ. Дўстматов, Т. Эрназаров, Р. Ҳасанова каби хушовоз хонанда ва созандаликнинг жонқабил рақс, дилрабо куй, қўшиқлари дала қаҳрамонларини хушлуд этмоқда.

Шунингдек, район маданият уйи қошидаги лекторлар группаси ҳам далада турли мавзуддаги қизиқарли суҳбат ва лекциялар ўтказиб туришмоқда.

68 минг тонналик улкан хирмон учун астойдил курашаётган қаҳрамон бекободлик пахтакорларга қанча хизмат қилса озлик қилади.

К. РАҲМОНБЕРДИЕВ.

ЯНГИ УЙЛАР

Аҳолига йил сайин мўл-кўл мева ва уюм маҳсулотларини етказиб бераётган Калинин районидagi Гагарин номи бодорчилик совхоз территориясига тобора гузаллашиб бермоқда. Ҳўжалик меҳнаткашларининг маданий турмуш шароитларида ҳам қўлайликлар вужудга келаяпти. Қўллаб-мағозин, саратрошхона, чойхона ва ошхоналар соҳибкорлар хизматиди.

Яқинда бодорчиликнинг тўққиз оиласи янги замонавий уйларга кўчиб ўтишди. Янги уйлари барпо этишда Самиддин Низоомов бошлиқ совхоз қурилиш бригадаси аъзолари гайрат кўрсатишди.

С. СУЛАЙМОНОВ.



БУГУНГИ. ТОШКЕНТ. Сиз кўриб турган суратдаги микрорайон ўтган тўққизинчи беш йилда қад кўтарди. Эндиликда бу турар-жой бинолари Собир Раҳимов районининг кўрки ҳисобланади. И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ТАРАННУМИ

Дўстлик. Бу биргина сўзла қанчалар қанча маъно бор. Дўстликдан кўра кучлироқ, ундан кўра буюроқ куч йўқ. Қўлимиздаги совет халқи дўстлигини эъзозлайди, уни улуғлайди. Ана шу дўстлик-иниқлик, аҳиллик, ҳамкорлик туфайли ҳар жабҳада мисли қўрилмаган зафарлар қўчиб келмоқдамиз.

Бугунги кунда шарқда машаъл азим Тошкентни дўстлик шаҳри деб аташмоқда. Бунинг боиси бор. Чунки янги Тошкент қардошлар қафтида янгитдан қад кўтарди, ҳуснига ҳус қўшилди.

Тошкент бошига оғир мусибат тушиб, табиий офат юз берганда дўстларимиз — рус ва белорус, украин ва қозоқ, грузин ва азербайжон, арман ва қирғиз ҳамда бошқа қардошларимиз ёрдам қўлини чўзишди. Қисқа вақт ичида Тошкент тўбдан ўзгарди, янги масиллар, турар-жой бинолари, маданий-маиший

объектлар, мактаблар, бодорчилик бинолари, ҳиёболлар бунёд этилди. Буларнинг ҳаммаси дўстларимиз кўмаги туфайли қад кўтарди.

Ўзбекистон Журналистлар союзининг наватдаги фотокўргазмаси ана шу бебаҳо куч — халқлар дўстлиги темасига бағишланган. Фотоқўргазмага дўстлигини мадҳ этувчи қўллаб-қўлловчилар қўйилган.

1966 йил 26 апрель тоғторарида Тошкент элчилари бутун мамлакатни ташвишга солди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ва СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин ўртоқлар ўша кунини Тошкентга етди келишди.

Халқимизда «Дўст бошга қўлбат тушганда билдилади» деган нақл бор. Ана шу аjoyиб одатга амал қилган мамлакатимиз халқлари Тошкент ёрдам қўлини чўзди. Москва ва Ленин-

граддан, Украина ва Белоруссиядан, Қозоғистон ва Арманистондан, Грузия ва Озарбайжондан, Болтибурин республикаларидан бирин-кетин Тошкентга қуриш материаллари ортидан эшелонлар кела бошлади.

Қисқа вақт ичида Москвада бинокорлар тошкентликларга 203 минг квадрат метр турар-жой бинолари, иккита мактаб, бешта болалар комбинати, савдо маркази қуриб берди. РСФСР қурувчилари 265 минг квадрат метрдан зиёд, Ленинградликлар 100 минг квадрат метрдан ортиқ турар-жой бинолари ҳада эттиди. Қардошларимиз қисқа вақт ичида 2.800 минг квадрат метр турар-жой бинолари барпо этиб, тошкентликларга армуғон эттиди.

Фотоқўргазмада қардош республикалар ёрдамида бунёд этилган бир-бириндан қиройил ва кўркам бинолар расмлари асосий ўрин олган. Фотомуҳбир И. Збарскийнинг «Бугунги

Тошкент» серияли расмларида дўстлигини улуғвор куч-қудрати тараннум этилади.

Дўстлик. Бу сўз жаҳон халқлари тилларида янграмоқда. Тошкентда бўлиб ўтган Осиё ва Африка ёзувчилари конференциясида ҳам неча тилларда акс-садо берди. Осиё, Африка, Латин Америкаси мамлакатлари Тошкент кинофестивали қатнашчилари ҳам бу сўзни улуғлашди, дўстлик киноленталарда ўз аксини топди. Г. Перменов, С. Маҳамов, А. Варфоломеев, Р. Альбековларнинг фотоларларида ҳам ана шу муҳим тема — дўстлик мадҳи тараннум этилган. Булардан ташқари қўргазмадан ўрин олган С. Муҳаммадиевнинг, Р. Жумановнинг, Ш. Ибрагимов, А. Пушкар, А. Чаплинларнинг дўстлигини қўловчи расмлари ҳам томошбонларга манзур бўлмоқда.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

«ТОРПЕДО» ИЛГАРИЛАМОҚДА

Мамлакат футбол чемпионати олий лигасида пешқадамлик қилаётган «Торпедо» ўтган турда «Спартак» билан бўлган кескин баҳсда ўзининг 2:2 ҳисобида турган қўли, битта очко олган бўлса, автоаводчиларнинг турини жадалда қўйиб қўйишлари пойтахт динамичилари

ФАЛАБА, ЛЕКИН...

«Пахтакор» наватдаги турда Ивано-Франковскининг «Спартак» коллективини қабул қилиб, йиллик 4:0 ҳисобидан устуни келди. Ҳисоб бундан ҳам каттароқ бўлиши мумкин эди. Урашувнинг дастлабки минутада Виктор Чуркин, иккинчи бўлимда эса Тўлаған Исоқов, Юрий Иванов ва Константин Бокановлар бир неча қўлай имкониятни бой берди.

Тўлағини 17-минутада Владимир Федоров (бу билан ҳужумчилик қирғинга тўлағини 15 тага етказди) 4:3 ва 59-минутада Виктор Чуркин ҳамда 78-минутада Шамил Ифоровлар қирғини.

«Пахтакор» галаба қозонди. Лекин олий лигачи қирғин ҳужумини берадиган иккита йўлданга жиддий даъвогарлик қила олмайд. Чемпионат охиридаги сари ҳар бир очко қадри қимматлашмоқда. Шу турда «Нефчи» «Кубань» командасига 1:2 ҳисобида ютқазиб, иккинчи ўринга тушган бўлсада, иккита йўлданмикин биттасига асосий даъвогар бўлиб турибди. Боку футболчилари қолган уч ўйинда маҳсадага эришни учун очко туғласалар қийин.

«Нистру» 3:0 ҳисобида маглуб этган «Қайрат» 51

ва Львовнинг «Карпат» командасидаги шу турда ютқазди. «Динамо» қўйишда «Крилья Советов»дан 0:1 ҳисобида, «Карпат» эса «Днепр»дан худди шундай ҳисобда еттидиган. «Черноморец» «Шахтёр» устидан 2:0 ҳисобида ғолиб келди.

очко билан биринчи ўринга қўтарилди. Утган кун бўлиб ўтган бошқа урашувларда қўйиладиган натижалар қайд этилди: «Помир» — «Металлург» 4:1, «Колхозчи» — «Даугава» — 3:0, «Спартак» (Н) — «Торпедо» — 0:0, «Терек» — АСК — 1:0, «Спартак» (Ор) — «Таврия» — 0:0, «Звезда» — «Рубин» — 1:0, «Кубасс» — «Шинник» — 2:0.

Командаларнинг бутунча бўлган турини жадалидидаги аҳоли қўйиладиган: Командалар у Т 0

«Қайрат»	34	51-21	51
«Нефчи»	35	62-29	50
«Пахтакор»	34	58-25	44
«Таврия»	35	56-28	44
«Нистру»	34	46-36	39
«Торпедо»	35	42-33	38
«Звезда»	34	47-41	37
«Кубасс»	34	49-46	35
«Колхозчи»	34	55-53	35
«Помир»	34	37-41	35
«Шинник»	34	36-36	33
«Спартак» (И-Ф)	34	38-46	33
«Спартак» (Ор)	34	34-45	31
«Терек»	34	36-54	30
«Металлург»	34	29-37	28
«Рубин»	34	33-45	28
«Кубань»	34	30-60	25
«Даугава»	34	30-52	21
«Элбрус»	34	27-67	14

ДАКАР. 12 октябрь. (ТАСС муҳбири). Жанубий Африка африкаликлар миллий конгресси раҳбарлигининг аъзоси Буно Салива бу ерда ТАСС муҳбирини қўйиладиган айтиди: социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ва аввало Совет Иттифоқи Африкадаги маълум халқларнинг ҳуқуқсизлиги ва ирқий камситишга қарши, озодлик ва ўз тақдирини ўзи белгилашни учун олиб бораётган курашига ҳамназа ҳар томонлама мадад кўрсатиб келди ва кўрсатмоқда.

СССРнинг миллий — озодлик ҳаракатлари билан пролетар бирдамлиги ва уларга қўшошларга ёрдам, деди у — советлар мамлакатини ташқи сийасатининг асосий йўналишларидан биридир. КПСС XXV съезди ана шу сийасатининг изчил ва принци-

Дунё овози чеп эл хабарлари

КУРАШАЁТГАН ХАЛҚЛАРНИНГ СОДИҚ ИТТИФОҚЧИСИ

пиа сийасат эканлигини яна бир бор зўр куч билан тасдиқлади.

Мустиқил Африканинг ёвуз душмани бўлган Жанубий Африка Республикасининг ирқчилик режими, итервенциясини даф этишда Совет Иттифоқи, Куба ва со-

циалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар Ангола Халқ Республикасига берган бебаҳо мадад Африка халқларининг миллий озодлик учун курашида қинамак ёрдам берилганини кўрсатувчи конкрет мисоллардан биридир.

Ю. ФЕДУТИНОВ.

ИМПЕРИАЛИСТЛАРНИНГ РЕЖАЛАРИ ҚОРАЛАНМОҚДА

БАМАКО. 13 октябрь. (ТАСС). Претория ва Солсберидagi ирқчи режимларни муштақамлаш ва шу йўл билан ўз монополияларини қўйиш жаҳондаги манфаатларини таъминлаш — АҚШ Африкада ўтказиб келадиган сийасатнинг асл мақсадидир. Мали радиоси орқали эшиттирилган шарҳларда шу тўғрисида таъкидланди.

Америка капиталининг ирқчи давлатлар экономикаси кенг қўламда кириб бораётганлиги, деб таъкидланди ўтиладиган шарҳларда, бу

лар билан урилиб кўрмоқда. Булар жумладан, янги қўғирчоқ ташкилотларни вужудга келтиришни мўлжалламоқдалар. Бу ташкилотлар ўзларини миллий озодлик ҳаракатларининг вакиллари қилиб кўрсатиб, амалда озодлик учун курашувчилар ўртасида қўнорувчилар ишларини олиб бормоқдалар. Марказий раведка бошқармаси тайерлаб берган бу план Африкадаги мустиқил давлатлар ўртасига нифоқ солиш мақсадининг ҳам қўзда тутаети.

АҚШ ва НАТО Африканинги жаҳондаги миллий озодлик ҳаракатларини бос-тириш учун ҳар қандай йўл-йўлдан қўлдан кўчирмоқда.



Ангола Халқ Республикасининг пойтахти — Луанда. Суратда: шаҳарнинг қирғоққа туташ қисми.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЙЎЛИДА

ДЕХЛИ. 13 октябрь. (ТАСС). Хиндистон хотин-қизлари миллий федерациясининг съезди Жалахандарда ўзининг таомилда, Федерация мамлакат хотин-қизларига муносабат қилиб, уларни ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оилада жамиятда, меҳнатда эрканлар билан тўла тенглик йўлидаги омавий курашини қучайтиришга даъват этди.

Съезд делегатлари ўз резолюцияларида ҳуқуқматини социал-иқтисодий ўзгаришлар программасини амалга оширишда актив қатнашни ва шу тариқа шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам меҳнатда хотин-қизларнинг аҳволини яхшилашга эришишга қатъий қарор берганлигини билдирдилар. Улар эрканлар ва хотин-қизларнинг тенг меҳнати учун баравар ҳақ тўлаш ҳақидаги қонунни самаралироқ амалга ошириш зарур эканлигини таъкидладилар ва бу қонунни қишлоқ ҳўжалиги ҳамда қишлоқда банд бўлган хотин-қизларга нисбатан жорий қилишни, уларни ҳуқуқий капитал локаутларидан ва унинг қонунга хилоф бошқа ҳуружларидан ҳимоя қилишни талаб этдилар.

Съезд кўпроқ фойда олишга интилиб, энг муҳим моллар танқислиги проблемасини жўртага вужудга келтираётган, нарх-навои ошариб юбораётган савдогарлар ва саноатчиларнинг найрағларини қоралади.

Хиндистон хотин-қизлари миллий федерациясининг съезди Хиндистонда прогрессив хотин-қизлар ҳаракатини янада ривожлантиришда муҳим босқич бўлиб қолди.

Редатор А. ИСМОИЛОВ.

РЕКЛАМА

Эълонлар

МЕЛЕВИДЕНИЕ

МАРКАЗИЯ

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

«ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — «Горичлар, наездансиз». 11.15 — «Сибирь» (бадий фильм, 4-серия). 12.40 — Концерт. 15.00 — Ҳужжатли фильм. 16.00 — «Война», «Сина», 16.30 — «Визтабат билан тақиниш». 16.45 — Социалистик мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлиги. 17.15 Шахмат мактаби. 17.45 — «Қишлоқ ишлари ва муаммолар». 18.15 — «Китоб сенинг ҳаётинг». 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Расмларда кўш акси бор. 19.30 — Миллионлар ленинга университети. 20.00 — «Халқ илоҳи». 20.50 — «Сибирь» (бадий фильм, 5-серия). 22.00 — «Вақт». 22.30 — Валли, қизлар! 23.35 — Концерт.

УЗБЕКИСТОН

ТЕЛЕВИДЕНИЕСИННИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Болалар учун теле-спектакль. 12.45 — Адабий ўқини. 13.25 — «Дараклар мактабиди» (бадий фильм). 18.30 — Мультифильм. 18.45 — «Ештин» студияси кўрсатади. 19.15 — Бутун — халқаро стандартлаштириш кўни. 19.40 — Ахборот. 20.00 — Қўргазма залларида. 20.30 — Совет ширларининг шеърлари. 20.55 — Ахборот. 21.25 — Концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Пахтазор — мардлар майдои. 22.50 — Концерт.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.25 — РСФСРда хизмат кўрсатган артист Олег Васильевнинг ижодий портрети. 20.25 — Тошкент янгиликлари.

20.40 — Ёшувчилар учун консултация. 21.10 — Концерт.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 14/Х да Жинель, (СССР халқ артистлари Ирина Колпанова ва Юрий Соловьев иштирокида). 15/Х да Князь Игорь (СССР халқ артисти Борис Штоколов ва Константин Плузников иштирокида).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАР. ДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/Х да Сканепининг хийласи, 15/Х да Ун санкиз ёшлигим (19.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА. Шинилия Осетия АССР. да хизмат кўрсатган артист ЭМИЛЬ ИНО раҳбарлигида ирқчи иллюзион рево гастроллари (19.30).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТ МАТЛУБОТ ЖАМИЯТИНИНГ РАЙОН ТАВЕРЛАШ ИДРОЛАРИ ВА МАТЛУБОТ ЖАМИЯТЛАРИ

АХОЛИДАН ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ПИЕЗ СОТИБ ОЛАДИ

Бир тонна пиез нархи — 200 сум.

ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ПИЕЗ ҲАКИ УША ЕРИНГН УЗИДА ТУЛАНАДИ.

МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАННИНГ

Тошкент области матлубот жамиятининг правленийси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.25 — РСФСРда хизмат кўрсатган артист Олег Васильевнинг ижодий портрети. 20.25 — Тошкент янгиликлари.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.25 — РСФСРда хизмат кўрсатган артист Олег Васильевнинг ижодий портрети. 20.25 — Тошкент янгиликлари.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

УЧУН ПРОГРАММА</